3.7. Тарифлар ўзгарганида «Истеъмолчи» етказиб берилган энергия учун янги тарифлар қучга кирган кунд бошлаб истеъмол килинган энергия учун янги тарифлар бўйича хак тўланади.

3.8. Ҳисоблагичлар ушбу шартноманинг 4-иловасидаги томонларнинг электр тармоклари баланс мансублиг ва фойдаланиш бўйича масъуллигини таксимлаш бўйича далолатномага мувофик аникланадиган электр тармогини баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда электр тармогининг чегарасидан ҳисоблагич ўрнатилган жойга бўлган участкадаги энергиянинг технологик сарфи хажми «Истеъмолчи» билан биргаликда хисоблаш йўли орка аникланади ёки ўзаро томонларни келишилган миқдор асосида амалга оширилади ва ушбу шартномага 5-илова мувофик далолатнома кўрсатилади.

Бунда табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширувчи 750 кВа ундан юкори бўлган кувватг уланган «Истеъмолчи» учун энергия технологик сарфланиши сутканинг тиғиз, ярим тиғиз тунги пайтлари учу алохида аникланиб ёки умумий технологик сарф миқдордан келиб чикиб хар бир давр учун муносиб равишда хисоблаб, жами олинган энергия хажмининг тегишли пайтларига тўлов хисоб варагининг ёзиш учун мутоноси равшда кушиб юборилади.

3.9. Ҳисоблагичлар кўрсатгичи ёзиб олинмаган ёки энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот «Истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, «Корхона» томонидан энергия истеъмолининг шартномавий миқдори бўйич ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун энергия истеъмолининг амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб китоб килишга хакли, бу хакида «Истеъмолчи» нинг ҳисоб варагида тегишли равшда кайд қилинади.

Ҳисоблагичлар кўрсатгичи назорат тартибида «Корхона» вакили томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол килинган энергия учун белгиланган тартибда кайта ҳисоб-китоб килинади.

3.10. «Истеъмолчи» нинг энергия учун тўловлар, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар шунингдек ҳисобга олинмаган энергия кайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича карзи бўлган тақдирда унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблаглар карзини коплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан хак тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди. «Истеъмолчи» нинг айби билан ушбу шартномада кўрсатилган энергия ҳажми тўлиқ истеъмол килинмаган тақдирда, аванс тарикасида туланган маблаг кайтариб берилмайди ва энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.11. Шартномада келтирилган ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган миқдордан 5 фоиздан ортик миқдорда энергия истеъмол килинганда, «Истеъмолчи» дан шартномада кўрсатилган миқдорда ортикча истеъмол килинган энергиянинг жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баробари миқдорида тўлов ундирилади.

3.12. «Истеъмолчи» «Корхона» билан биргаликда хар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлганидан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таккослаш далолатномасини тузади.

3.13. «Истеъмолчи»ни электр тармокларидан узиш қуйидаги холларда амалга оширилади:

Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

Ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги окибатида фойдаланилган энергия учун карздорлик мавжуд бўлганда;

«Корхона» талабномалари ижро этилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисоблагичлар кўрсатгичларини олиш учун рухсат этилмаганда;

Ҳисоблагичлар кастдан бузилганда, кўрсатгичларни ўзгартириш максадида уларга ташкаридан арашилганда;

Электр тармокларига ноконуний уланиш, талон-тарож килиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузишнинг бошка холатлари аникланганда.

3.14. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган кайта ҳисоб-китоб «Истеъмолчи»ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.15. Истеъмолчи тармоққа унинг томонидан қоидабузарлик холати бартараф этилиб, мавжуд карздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш хакининг ўн баробари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг кайта уланади (ЭНХАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно, ЭНХАТга уланган истеъмолчи дегани: масофадан тармоқдан ажратиш ва улаш имкони бор истеъмолчилардир).

3.16. Истеъмолчи етказиб берилган энергия учун ўз вақтида(шартномада белгиланган муддатларда) тўламаса, Корхона муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида(Энергия махсус тартибда етказиб берувчи корхоналар учун 0,2 фоиз) лекин муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизи ортик бўлмаган миқдорда шарти билан пеня тўлайди.

3.17. Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортикча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт соатларда кайта ҳисоблаб чикилади ва ҳудудий электр тармоклари корхонаси томонидан даъво муддати доирасида кўрсатгичларидаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда хисобга олинади.

IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. «Истеъмолчи» қуйидаги ҳуқукларга эга:

ўзининг электр қурилмаларини техник шартларга мувофик «Корхона» электр тармокларига улаш:

сифат кўрсатгичлари давлат стандартларига мувофик бўлган энергия олиш:

энергия етказиб беришнинг тугатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

«Корхона»га истеъмол киладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мулжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай(жорий ой тугагунча) берилиши лозим.

Энергия тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсатгичлари давлат стандартларига мувофик булмаган энергия етказиб берилиши окибатида етказилган зарарларни белгиланган тартибда коплатиш:

Қонун хужжатларига мувофик бир тарафлама тартибда шартномани бекор килиш:

Шартнома бекор килганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган суммани қайтарилишини талаб килиш:

Энергия етказиб берилиши тугатилганда зарарни коплашни талаб килиш;

Шартномани тузиш ва бажаришда юзага келаётган низоларни хал этиш учун судга ёки бўйсиниши бўйича юкори ташкилотга(мансабдор шахсга) мурожаат килиш.

«Истеъмолчи» конун ҳужжатларига мувофик бошка ҳуқукларга ҳам эга бўлиши мумкин

4.2. «Истеъмолчи» қуйидагиларга мажбур:

Энергия истеъмол килишни белгиланган режимига риоя этиш;

Фойдаланилган энергия учун ўз вақтида хак тулаш;

Эксплуатация килаётган электр тармоклар, асбоблар, электр курилмаларининг техник холатини лозим даражада сакланишини, шунингдек, электр курилмаларни эксплуатация килишда хавфсизлик техникаси коидаларига риоя килинишини таъминлаш. «Корхона»га электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар килиш;

Энергиядан окилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

«Корхона» ва «Ўзэнергоинспекция»нинг ёзма кўрсатмаларини уз вактида бажариш;

Электр курилмаларининг тузилиши коидаларининг талабларини бажариш;

Белгиланган тартибда «Корхона»нинг тегишли вакилига ҳисоблагичларни кўришга имкон бериш;

Йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр крилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун «Корхона»га буюртманома бериш;

Келгуси йил учун энергияга бўлган эхтиёжни аниклашда энергияни электр тармокларидан узатишда, махсулот ишлаб чикариш(ишлар турларининг) технологик жараёни эхтиёжларига, ишлаб чикариш бинолари ва маъмурий биноларниёритишга, иситишга, шамоллатишга энергия сарфини, шунингдек ушбу электр тармокларига уланган суб «Истеъмолчи»ларнинг эхтиёжини ҳисобга олиш:

Шунингдек, 5МВт ва ундан юкори бўлган кувватга уланган «Истеъмолчи»;

истеъмол килинаётган кувватнинг хар суткалик, хар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори.

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва кувватнинг хар суткаликсарфи, энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия(кувват)нинг хар 30 дакикадаги сарфини ҳисобга олиш ва «Корхона»нинг талабига кўра хабар килиши шарт.

«Истеъмолчи» конун ҳужжатларига мувофик бошка мажбуриятларга хам эга бўлиши мумкин.

4.3 Корхона қуйидаги ҳуқукларга эга:

«Истеъмолчи»дан шартномада белгиланган мажбуриятларни лозим даражада бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда «Истеъмолчи» томонидан етказилган хакикий зарарни коплашни талаб килиш;

электр хўжалиги объектларида авариявий холатлар мавжуд бўлганда, Корхонани хабардор килиб, «Истеъмолчи»ни ўчириш. «Корхона»нинг ёзма кўрсатмасига мувофик «Истеъмолчи»ни электр тармокларидан ўчириш, шунингдек ЭНХАТга уланган ёки олдиндан тўлов курилмасига эга ҳисоблагичи бўлган «Истеъмолчи»ларни олдиндан тўлов тугагандан сўнг ўчириш.

«Корхона» конунчиликка мувофик бошка хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин. «Корхона» ушбу шартномада кўрсатилган холатлардан ташкари бўлган ўчириш окибатлари учун жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур;

уланган электр тармоклар оркали «Истеъмолчи» га электр тармокларининг мансублик чегарасига шартномада белгиланган ҳажмдаги энергияни узуликсиз етказиб бериш;

курилмаларни, электр узатиш линияларини, ҳисоблагичларни эксплуатация килиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек ўзининг электр хўжалиги объектларидаги нозозликларни бартараф килиш;

электр хўжалига объектларини таъмирлаш билан боглик электр таъминотидаги узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огохлантириш;

энергия етказиб берилишида тўхташлар тўғрисида ва тўхташларнинг сабаблари тўғрисида «Истеъмолчи» га маълум килиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида чеклашларни ҳажми ва вакти кўрсатилган холда олдиндан хабар бериш;

«Истеъмолчи» нинг энергия етказиб берилмаганлиги ва электр таъминотидаги бошка бузилишлар тўғрисидаги аризасини, «Истеъмолчи» дан ариза олинган кундан кечиктирмасдан кўриб чикиш, уларни бартараф этиш ва тўлаконли жавоб йўллаш;

«Истеъмолчи» га етказиб берилган энергия ҳисобини белгиланган тартибда олиб бориш;

«Истеъмолчи» нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофик беш кун муддатда энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмини кўпайтириш(камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – бу хакда, рад этиш сабабларини кўрсатган холда «Истеъмолчи» га хабар килиш;

«Истеъмолчи» га ўрнатилган ҳисоблагичларни алмаштириш, ўрнатишни ва уларга хизмат кўрсатиш «Корхона» томонидан уларни пломбалаш таъминланади.

Сифат кўрсатгичлари давлат стандартига мувофик бўлган энергия етказиб бериш.

«Корхона» конунчиликка мувофик бошка мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. Томонларнинг жавобгарлиги.

5.1. Мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган холларда, «Корхона» бунинг натижасидаги етказилган зарарни коплашга мажбур, «Истеъмолчи» эса етказилган хакикий зарарни коплашга мажбур.

5.2. «Корхона: «Истеъмолчи» энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя килмаган, энергия истеъмолининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйган тақдирда, «Корхона» томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли энергия етказиб берилганлиги учун;

Захира манбаини автоматик улаш, автоматик кайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлаш вақтида энергия етказиб беришдаги танаффуслар учун «Истеъмолчи» олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. «Истеъмолчи» «Корхона» ёзма кўрсатмасига мувофик ўчирилганда ёки енгилмас куч шароитлари(форс мажор) мавжуд бўлганда «Корхона» «Истеъмолчи» олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Ушбу шартнома бажарилиши жараёнида юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар ўзаро музокаралар йули билан амалдаги конун, фармон, карор, низомлар асосида тартибга солинади. Улар музокоралар йули билан хал этилмаган тақдирда, иқтисодий судда хал этилади.

Сканировано с CamScanner